



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 05.08.2022 г. № 568-10-148-ХТ/2022-сон

между ООО OLD CITI STROY и Ангрен шаҳар ХТБ на общую сумму 502 364 496,00

Глава \_\_\_\_\_ 075  
Казначейский лицевой счёт \_\_\_\_\_ 401722860274077092100075017

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4232200			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август	385 375 381,00			385 375 381,00
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>385 375 381,00</b>			<b>385 375 381,00</b>

Всего 385 385 381,00 сум

Уч юз саксон беш уч юз етмиш беш уч юз саксон бир сум

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 115 612 614,30 сум или 30,00%\*\*\* от общей суммы договора подлежат предоплате в август мес. 2022 г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика

(подпись)

Эгамбердиев О.С

Ф.И.О.

М.П.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Маткабилова И.М

Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения \_\_\_\_\_

(подпись)

Получил работник заказчика \_\_\_\_\_

(подпись)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.



ТАСДИКЛАЙМАН  
Ангрен шаҳар Халқ Таълими  
Бўлими мудирини  
О.С.Эгамбердиев

Ангрен шаҳар Халқ Таълими Бўлими ишчи гуруҳининг 03.08.2022 йилда ўтказилган  
йиғилиш  
БАЁННОМАСИ

**Қатнашдилар:**

Комиссия раиси:

О.С.Эгамбердиев

**Комиссия аъзолари:**

ХТБ МТЭХ раҳбари

Э.Мингбоев

ХТБ бош ҳисобчиси

И.Макабилова

ХТБ МТЭХ мутахассиси

М.Солнева

ХТБ АКТ шўъба раҳбари

М.Хамзаев

2022 йил Ангрен шаҳар Халқ Таълими бўлимига қарашли 33-сонли умумий ўрта таълим мактабининг "Очиқ бюджет" ташаббуси лойиҳасида жорий таъмирланадиган умумий баҳоси ҚҚС билан 401 928 243 сўмини ташкил топган № 125292 лот рақамли

Кун тартибидаги масала юзасидан Ангрен шаҳар Халқ таълими комиссия аъзолари Энг яхши таклиф танлаш бўйича 2022 йил 3 августдаги №125292 сонли лот бўйича 91,8 бал билан "RADAOLSTROY" МЧЖ энг юқори бал тўплаб голиб деб топилди. № 125292 сонли лот бўйича икки иш кунда иштирокчилардан эътироз ва муҳокамалар киритилмади.

Комиссия аъзолари бир овоздан "RADAOLSTROY" МЧЖ билан шартнома имзолашга қарор қилишди.

**Қарор қилади:**

1. Ангрен шаҳар Халқ Таълими бўлимига қарашли 33-сонли умумий ўрта таълим мактабининг жорий таъмирлаш учун шартнома "RADAOLSTROY" МЧЖ корхонаси билан шартнома имзолансин.

2. Ўз вақтида шартномалар рўйхатдан ва маблағлар ўтказилиши таъминлансин.

ХТБ МТЭХ раҳбари

Э.Мингбоев

ХТБ бош ҳисобчиси

И.Макабилова

ХТБ МТЭХ мутахассиси

М.Солнева

ХТБ АКТ шўъба раҳбари

М.Хамзаев



## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJAT LOYIHASINING QONUNCHILIKKA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

### 1. Loyiha turi: Shartnoma

### 2. Loyiyaning nomi

Angren shahar Xalq ta'lim bo'limi va "RADAOLDSTROY" MCHJ o'rtasida tuzilgan pudrat shartnomasi. Shartnoma summasi **385 375 381** (uch yuz sakson besh million uch yuz yetmish besh ming uch yuz sakson bir) so'mni tashkil qiladi.

### 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Angren shahar Xalq ta'lim bo'limi tomonidan 2022-yil 4-avgust kuni ishlab chiqilgan va yuridik markazga taqdim qilingan.

### 4. Loyiha bo'yicha yuridik markaz xulosasi

Loyiha O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 437-456-moddalari, "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining 1998-yil 29-avgustdagi 670-I-son qonuni, "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi O'RQ-684-son qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentabrdagi "O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3953-sonli qaroriga muvofiq tayyorlangan.

Mazkur shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga rioya qilingan holda ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti:



S.Siradjiddinova

2022-yil 4-avgust



## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «5» 8

568-10-148-ХТ/2022-сон

Ангрен шаҳри.

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталадиган, Ангрен шаҳар Халқ таълими бўлими номидан устав асосида иш кўрувчи, корхона раҳбари **О.С.Эгамбердиев.** бир томондан ҳамда кейинги ўринларда “Пудратчи” деб аталадиган, “RADAOLSTROY МЧЖ” раҳбари **А.Худайберганов** томонидан иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тuzдилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Пудратчи”, “Буюртмачи” буюртмасига бироан тайёрланган лойиха-смета ҳужжатларга асосан **33-сон умумий урта таълим мактаби спорт зал биносини жорий таъмирлаш ишларини амалга оширади.**

1.2. “Пудратчи” томонидан ушбу шартномага асосан бажарилган ишларни “Буюртмачи” қабул қилади ва тўловни амалга оширади.

### 2. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ

2.1. Шартнома қиймати, қурилишдаги нархлар бўйича, лойиха-смета ҳужжатлари асосида белгиланган бўлиб **385 375 381 (Уч юз саксон беш миллион уч юз етмиш беш минг уч юз саксон бир ) сўмни** ташкил этади.

### 3. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

3.1. Ишларни бажариш муддатлари, лойиха-смета ҳужжатлари тайёрланишини инобатга олган ҳолда, куйидагича белгиланади:

**Бошланиши: 05 август 2022 йил;**

**Тугалланиши: 05 сентябрь 2022 йил.**

3.2. Ишларни бажариш муддатлари мазкур шартноманинг 3.1. бандида келтирилган муддатлардан ошмаслиги лозим. Истисно тариқасида, ишларни ўз вақтида бажарилмаслигига, мулкый жавобгарликни келтириб чиқармайдиган куйидаги:

- “Буюртмачи”нинг тўлов қобилиятсизлиги;

- табиий офатлар ва/ёки бошқа форс-мажор вазиятлар бўлиши мумкин.ХБАРИ

### 4. ҲИСОБ-КИТОБ ВА ТЎЛОВЛАР

4.1. “Буюртмачи” ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб дастлабки тўловни, “Пудратчи”нинг ҳисоб рақамига, 10 (ун) банк иш кунида, шартноманинг умумий қийматидан 30 % гача, олдиндан пул ўтказиш йўли билан амалга ошириши лозим.

4.2. “Буюртмачи” кейинчалик, “Пудратчи” томонидан амалда бажарилган ишлар ва қилинган ҳаражатлар учун тўловни, ҳар ойлик бажарилган ишлар акти (2-шакл) ва бошқа асослангувчи ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг, аванс тўловини чегирган ҳолда амалга оширади.

4.3. Якуний ҳисоб-китоб, мазкур шартномада белгиланган ишлар якунига кўра амалга оширилади.

### 5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартнома ва “Буюртмачи” буюртмасига асосан лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлайди, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-тиклаш ва бошқа турдаги ишларни бажаради.

5.2. “Буюртмачи” томонидан тўловларни амалга ошириш учун, бажарилган ишлар акти (2-шакл)ни ўз вақтида “Буюртмачи”га тақдим этади.

5.3. Мазкур шартноманинг 3.1. бандида келтирилган муддатда, ушбу шартнома билан юклатилган ишларни бажаради, шунингдек ишларни топшириш жараёнида аниқланган нуқсонларни бартараф этади.

5.4. Объектда ишларни бажариш жараёнида, ёнгина қарши ҳамда техника хавфсизлиги қондаларига риоя этилишини таъминлайди.

### 6. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Бажарилган ишлар акти (2-шакл)га асосан, ўз вақтида ишларни қабул қилади ва тўловни амалга оширади.

6.2. Ўз ҳисобидан, ишда фойдаланилаётган ашёлар, жиҳоз ва мулкларни қўриқланишини таъминлайди.

6.3. “Пудратчи” томонидан тақдим этилган бажарилган ишлар акти (2-шакл)ни 3 (уч) кунлик муддатда имзолайди ва бажарилган ишлар учун ушбу акт асосида 4 гуруҳ ҳаражатлари очилганда тўловни амалга оширади.

### 7. МУЛКҲИЙ ЖАВОБГАРЛИК

7.1. “Буюртмачи” бажарилган ишларни ўз вақтида қабул қилмаганлиги учун мулкый жавобгар бўлиб, бажарилган ишлар қийматини 0,5 % миқдоридан, лекин бажарилган ишларнинг 50,0 % дан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

7.2. “Пудратчи” ишларни бажариш муддатларини бузганлиги учун мулкый жавобгар бўлади ва бажарилмаган ишлар қийматини 0,5 % миқдоридан, лекин бажарилмаган ишларнинг 50,0 % дан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

7.3. “Буюртмачи”нинг ташаббуси билан ишлар тўхтатилиши ва шартнома бекор қилинишига, шартнома бекор қилингунига қадар, “Пудратчи” томонидан ишларни бажариш учун ҳақиқатда қилинган барча ҳаражатлар тўлаб берилганидан сўнг йўл қўйилади.

7.4. Пеня ва жарималар, ҳамда мазкур шартномадаги мажбуриятлар бажарилмаганлиги оқибатида етказилган зарарларнинг қопловини, тарафларнинг ўз мажбуриятларини таъминлашдан оқибатда қилинган ишларнинг қиймати билан тақсимланади. Ҳужжат рақами: 233436054812



7.5. Тарафлар, мазкур шартнома ижросини таъминлаши жараёнида юзага келадиган барча келишмовчиликларни музокаралар йўли билан хал этишга ҳаракат қиладилар. Келишмовчиликлар хал этилмаса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига асосан Иқтисодий судда кўриб чиқилади.

### 8. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

8.1. Шартнома 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади.

8.2. Шартнома, тарафларнинг бири мазкур шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги, амалдаги нормативларга риоя этилмаганлиги, белгиланган муддатларда бажарилган ишлар учун тўлов амалга оширилмаганлиги, бунинг оқибатида зарар етказилганлиги, бажарилган ишларнинг сифатсизлиги каби асосларга кўра, тарафларнинг бирини талаби бўйича бекор қилиниши мумкин.

### 9. КАФОЛАТ МУДДАТИ

9.1. "Пудратчи" барча бажарилган ишларга сифат кафолатини беради.

9.2. Кафолат муддати, ишлар қабул қилинган вақтдан бошлаб 1 йилга тенг.

## 10. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА ИМЗОЛАРИ:

### «БАЖАРУВЧИ»

"RADAOLSTROY МЧЖ"

Адрес: Ангрен шаҳар А.Ясавий

Х/р 20208000504806670001

МФО 01022 ИНН 301 350 996

Банк Уз саноат қурилиш банк Ангрен ф-л

Директор: А.Худайбергенов



### «БУЙОРТМАЧИ»

Ангрен шаҳар Халқ таълими бўлими

Манзил Ангрен шаҳар Бунёдкор 38 уй

л/с401722860274077092100075015

Банк Марказий банк Тош.ш.ХККМ

МФО 00014 ИНН 200598912

Ангрен шаҳар Ғазначилик бўлини маси

х/р 23402000300100001010

Банк Марказий банк Тош.ш.ХККМ

МФО 00014 ИНН 201122919

Мудир: О.Эгамбердиев



## АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни (давлат органи ёки ташкилотнинг номи) ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олиш учун қуйидаги ҳаракатларни қилмайди:

пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш;

товламачилик қилиш;

пора сифатида пул тўлаш;

бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Томон (давлат органи ёки ташкилотнинг номи) ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган ишонч телефони;

(давлат органи ёки ташкилотнинг номи) расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

### ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА ИМЗОЛАРИ:

#### «БАЖАРУВЧИ»

“RADAOLSTROY MCHJ”

Адрес: Ангрен шаҳар А.Яссавий

Х/р 20208000504806670001

МФО 01022 ИНН 301 350 996

Банк Уз саноат қурилиш банк Ангрен ф-л

Директор: А. Худайбергенов

#### «БУЙОРТМАЧИ»

Ангрен шаҳар Халқ таълими бўлими

Манзил Ангрен шаҳар Бунёдкор 38 уй

л/с401722860274077092100075015

Банк Марказий банк Тош.ш.ХККМ

МФО 00014 ИНН 200598912

Ангрен шаҳар Ҳазначилик бўлини маси

х/р 23402000300100001010

Банк Марказий банк Тош.ш.ХККМ

МФО 00014 ИНН 201122919

Мудир: О. Эгамбердиев

